



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 5 февраль, пайшанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 25 (11.336)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоят Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшма кенгашининг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида касаба уюшма кенгашлари фаолиятини янада жонлантириш мақсадида Асака туманида ташкил этилган ўқув-семинарида вилоятдаги барча туман тармоқ касаба уюшма кенгашлари раислари ва вакиллари иштирок этди. Семинар қатнашчилари фермер хўжалиқларидаги бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишишди.

● Бухоро туманидаги Хавола Маҳмуд қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳаллий тадбиркорлар ва Москва шаҳридаги «Текстиль» МЧЖ ўртасидаги ҳамкорлик самараси ўлароқ 30 та янги иш ўрни яратилди. Яъни Хавола қишлоғида «Ростекстстрой» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Дастлабки ойда бу ерда 35 мингга яқин сочик ишлаб чиқарилди. Келгусида иш ўринларини янада кенгайтириш, маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

● Сурхондарё вилояти Денов туманида «Smat-Dtk» тикувчилик комбинати фаолият бошлаши билан 60 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Жорий йил охиригача яна 40 киши муқим иш ўрнига эга бўлади, маҳсулот тури ҳам кўпаяди. Аини пайтда кичик фабрикада 20 турдан ортиқ аёллар, эркаклар ҳамда болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқариляпти.

● Ўтган йили Андижон вилоятидаги тиббиёт муассасалари «Саломатлик-2» ва «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари доирасида 2,5 миллиард сўмлик асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Қишлоқ жойларида тиббиёт хизматини кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 10 та «Дамас» машиналари ажратилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл педагогика коллежи биносида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги 51 та корхона, ташкилотлар ўзларининг 82 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка якунида 60 киши иш билан таъминланди.

● Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Ижодимиз ҳақида гапирсак» номли тўпلامнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Таъкидлаш кераки, ушбу тўпلامдан ўз ижодий услуби ва йўналишини топиб, тасвирий ва амалий санъат дунёсига кирган 74 нафар ёш ижодкорнинг асарлари, ижод ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жой олган.

ЖАҲОНДА

● Бугун Италия пойтахти Рим шаҳрида ўтказилган анжуманда 75 мамлакатнинг вазирлари БМТ Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш масаласини кўриб чиқадилар.

● Январ ойининг охирида Боливияда янги Конституция қабул қилиш бўйича умумхалқ референдуми ўтказилган эди. Кеча унинг натижалари эълон қилинди. Референдумда иштирок этган аҳолининг 61,43 фоизи мамлакатнинг янги Конституциясини маъқуллаб овоз берган. Боливия Президенти Эво Моралес мамлакатнинг янги Бош қонуни жорий йилнинг 7 февралидан қўлга киритиш ҳақида баёнот берди.

● Молдова парламенти жорий йилнинг 5 апрелида қонун чиқарувчи орган учун сайловлар ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилди. Айтиш кераки, Молдова парламент республикаси ҳисобланади. Сайловларда ғалаба қозongan партия ёки коалиция ҳукуматни шакллантиради ва бош вазирни тайинлайди. Бундан ташқари мамлакат президенти ҳам сайлайди.

● Испаниянинг Барселона шаҳри полицияси террористик хуружларнинг олдини олиш мақсадида ўтказган амалиётлар давомида Равал тумани ҳудудида 10 нафар покистонлик фуқарони террористик ташкилотларга алоқадорликда гумон қилиб, ҳибсга олди. Ҳибсдагилар ҳужжатларини сохталаштирилганликда ҳам айбланмоқда.

● «Катта дубулга» туркумига кирувчи теннис бўйича жаҳондаги энг нуфузли тўрт мусобақадан бири — Австралия очик чемпионати якунланди. Эркаклар ўртасидаги баҳсда жаҳоннинг биринчи ракеткаси — испаниялик Рафаэль Надаль ғалаба қозongan бўлса, аёллар мусобақасида АҚШлик теннисчи Серена Уильямс Австралия очик чемпионатида ўзининг тўртинчи зафарини нишонлади.

● Камчатка ва Курил оролларида кучли қор бўронлари натижасида мактабларда ўқиш бекор қилинди.

● Япониянинг Хонсю оролидаги Асана ва Кюсю оролидаги Сакурадзима вулкони ортилиб чиқа бошлади. Вулкон тўғрисида ҳозирча ҳеч қандай жиддий зарар етказилмаган ва жабрланганлар йўқ.

● Британия ҳукумати 2012 йилгача мамлакатдаги ҳар бир хонадонни Интернет хизмати билан таъминлашни йўлга қўймоқчи. Британиянинг маданият, ОАВ ва спорт ишлари бўйича вазир Энди Бернен шуни билдирди. Бу лойиҳа давлат томонидан молиялаштирилади ёки Интернет-провайдерлар кучи билан амалга оширилади, яқин кунларда ҳукумат уни ҳал этади.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛИШ — КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (ОДКБ) КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ 4 ФЕВРАЛЬ КУНИ МОСКВА ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

Хавфсизлик омили ҳар қандай тараққиётнинг асосидир. Бугун ҳеч бир мамлакат ҳозирги замоннинг глобал хавф-хатар ва таҳдидларидан ўзини мутлақо фориғ, деб қафолат бера олмайди. Президент Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳар қандай давлатнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги фақат унинг ўзигагина боғлиқ эмаслигини, бунинг учун кенг қўламадаги халқаро ҳамкорлик зарурлигини таъкидлаб келади. Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар бу фикрнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Маълумки, терроризм, экстремизм каби ҳозирги замон хавф-хатар ва таҳдидлари чегара билмайди. Бу таҳдидлар сирасига айирмачилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishi ва қурол-ярғоқ контрабандаси ҳам қиради. Аини пайтда улар ўзаро боғлиқ кетган ва бир-бирдан қувват олади.

Бундай мураккаб шароитда ОДКБга аъзо давлатларнинг мазкур хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш айниқса долзарб аҳамият касб этади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.

Саммитда ОДКБнинг коллектив оператив ҳаракат кучларини тузиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала юзасидан фикр алмашув чоғида Президентлар тузилаётган коллектив оператив ҳаракат кучларининг таркибини, ваколат ва мажбуриятларини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидладилар. Мамлакатимиз раҳбари бунда ОДКБга аъзо давлатларнинг миллий манфаатларини, миллий қонунийликни талабларини, шунингдек, минтақадаги мавжуд вазиятни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессияси якунида ташкилот фаолиятини янада тақомиллаштириш борасидаги тақлифлар асосан маъқулланди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

ЮРТИМИЗ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «THE KOREA POST» ЖУРНАЛИ ПРЕЗИДЕНТИ-НОШИРИ ЛИ КЕНГ СИКНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

ЛИ КЕНГ СИК — «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ НИШОНДОРИ

Ли Кенг Сик Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, шунингдек, ўзбек халқи бой маданияти, маънавий ва тарихий меросини, мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотларни кенг халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб этишда қўшган улкан ҳиссаси учун мазкур юксак давлат мукофоти билан тақдирланди.

Икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун Ли Кенг Сик 2006 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институти фахрий доктори унвонига сазовор бўлган.

Мохир журналист Ли Кенг Сик мана 23 йилдирки Жанубий Кореяда инглиз тилида чоп этиладиган энг оммавий ва нуфузли ижтимоий-сиёсий журналлардан бирини нашр этиб келмоқда. 1985 йилдан бундан чоп этиб келинаётган ва адади 20 минг нусхани ташкил этувчи «The Korea Post» мамлакатдаги етакчи нашрлардан.

Журнал Корея Республикаси сиёсий, академик, ишбилармон ва ижтимоий доираларида, шунингдек, Шимолий ва Жанубий Америка, Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида тарқатилди.

«The Korea Post» бир неча йилдан буён, яъни, Жанубий Кореяда Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси очилган 1995 йилдан эътиборан эркин ва рангли фотосуратлар билан безатилган ҳамда мамлакатимизга бағишланган ахборот ва тахлилий материаллар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тўғрисидаги очерклар, Юртбошимиз маъруза ва нутқлари, республикада амалга оширилаётган сиёсий ва демократик ислохот ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларга оид ва бошқа турдаги мақолаларни мунтазам чоп этиб келмоқда.

Ли Кенг Сик юртимизда бўлиб ўтган парламент сайловида икки мартаба иштирок этди. Шунингдек, у халқаро кузатувчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларини холисона ёритилишини таъминлашда қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Кичик бизнес

ПУХТА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ



«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиқли маҳсулотларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўрин топаётгани, сифати, халқаро стандартларга мослигига қаратилаётган эътибор бунинг яққол исботидир. Албатта, тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётимиз раванқини таъминлашга ҳисса қўшимша бел боғлаган ишбилармонларимизнинг пухта режалари, ўйланган йўналиш, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, айниқса илғор технологиялар ҳамда унумли замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳларидан фойдаланаётганлиги яхши натижаларни кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси импорт ўрини бо-

ЮРТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА КАТТА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛГАН БЎЛИБ, УЛАР НАФАҚАТ СОН, БАЛКИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЮҚОРИЛАБ БОРАЁТГАН БУГУНГИ КУНДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ТИНМАЙ ИЗЛАНИШМОҚДА. МАЗКУР ИЗЛАНИШЛАР ЭСА УЛАР ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРДА ЁРКН АКСИНИ ТОПМОҚДА.

тадбиркорлик ривожига мустақиллигимизнинг илк йилларидан алоҳида эътибор қаратилди. Бу ўз гоясини амалга оширолмай қолган биз каби инсонларга ниҳоятда қўл келди. Шу боис ҳам пухта ўйланган режа асосида иш бошладик. Энг биринчи навбатда қандай мебель турларини яратишни ўйлаб олдик. Сўнгра кадрлар танлашни бошладик ва хорижий давлатлардан қуввати талабга жавоб берадиган дастгоҳ ва ускуналарни келтириб ўрнатдик.

Корхонада ҳар бир мебель маҳсулоти дизайни устида ишланар экан, аввало унинг нимага хизмат қилишига эътибор берилади. Албатта, бу борда ҳар бир буюртмачи корхонами, идорам, ташкилот ёки хонадон эгаси бўлсин, талаби ўрганилади. Мебелсозлар жойларга чиқиб буюртмани қандай ҳажмда, қўринишда, қўйилган жойга мос дизайнда бўлишига эришиш учун интилишди. Натига эса кўнглимиздадек бўлмоқда. Рақобатбардош мебель турлари яратилмоқда, улар ўзига хослиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Кейинги йилларда яратилган ошхона ва болалар, ётоқхона ҳамда меҳмонхона, идора, мактаб мебеллари турлари кўпайди. Шунингдек, корхонада тайёрланган юмшоқ мебель тўпламлари ҳам дизайни ҳамда сифати билан хорижийкидан асло қолишмаяпти.

Мебелсозлар келгусида хорижий мебель дастгоҳлари қувватидан самарали фойдаланган ҳолда янаям жозибали, Европа стандартлари даражасига мос мебеллар тайёрлашни, уларни Ҳамдўстлик мамлакатларидаги буюртмачиларга экспорт қилишни кўзда тутишган. Жорий йилдаги сайй-ҳаракатлар, албатта, ана шу мақсадга яраша бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхонада изланишлар давом этмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар



уштирилган тадбирда ўтган йил якунлари ва жорий йил режалари муҳкама қилинди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 82-мактабда мутафаккир шорирлар Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган адабий кечада ўқувчилар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Гафур Фулом номли маданият уйида ёшларнинг бастакор Бахтиёр Исмаилов билан ижодий учрашуви ўтказилди.

● **КЕЧА** Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир шеъри-

ят мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Мирзо Улугбек туманидаги 18-мактабда Алишер Навоий таваллуд кунини муносабати билан уюштирилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** кун Собир Раҳимов политехника касб-хуна қоллежида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2009» кўрик-танлови ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтди.

● **ХАЛҚАРО** Кураш ассоциациясида КЕЧА ўтган йил якунлари сарҳисоби ва жорий йил режалари муҳкамасига бағишланган ўтказилган тадбирда мутахассислар иштирок этишди.

Касба сатрларда

● **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Фуқаролик ҳақиятини ўрганиш институти ҳамда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳамкорлигида сиёсий партиялар нашрлари вакиллари иштирокида семинар уюштирилди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги Бандликка кўмаклашувчи марказда уюштирилган тадбир ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоби ва жорий йил режалари муҳкамасига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Республика «Камолот» ЕИҲ Марказий Кенгаши қошида Сардорлар мактаби қатнашчилари учун семинар ташкил этилди.

● **«ЎЗКИМСАНОАТ»** Давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан мутахассислар иштирокида

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Маҳалла ота-онанг



Худди шунингдек, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»...

рағоч» маҳалласида бўлиб ўтган бир тадбирда иштирок этиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига қайта сайланган Тўлқин Хайдаров билан учрашганимизда юқоридаги фикрларни яна эсладик.

Туманларда ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛАДИ

ободончилик, тарбиявий, ташкилий ишлар худди шунингдек турли оммавий тадбирлар ҳақида камтарлик билан сўзлади.

Олти мингга яқин аҳоли яшовчи маҳалламизда маҳалладошларимиз учун барча шароитлар яратилган. Маҳалла хонадонларини орасига сақлаш, кўчаларимизни янада обод қилиш, гузар ва майдончаларимизни доимий равишда озода

Мустиқиллик каби қатор байрамларда катта тадбирлар уюштирилади. Шуниси қувончлики, туманимизда ўтказилган «Футболчимиз келажак» турнирида маҳалламиз ўсмирларидан ташкил топган футбол жамоаси биринчилигини олиб, чемпион бўлди.

билан ўтгани, вакилларнинг кун тартибидеги масалалар бўйича фаол муносабат билдирганлари, маҳалладошларнинг бир-бирига бўлган илқ муносабатларининг ўзиданок Тўлқин аканинг юқорида билдирган фикрларида қанчалик ҳақиқат борлигини аниқлаб олиш қийин эмас.

Бу гапни эшитиб турган маҳалла фаоли Алижон ака эса кўп ўйлаб ўтирмай, — Тўлқин, маҳалла аҳлининг хурмат қилиб яна ўзининг қайта сайлашгани бахт деб билгим. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди, деди.

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ

ЛИ КЁНГ СИК — «ДЎСТАЛИК» ОРДЕНИ НИШОНДОРИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Ўтган йили ёзда Тошкентда «Замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлиги» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жанубий Корея журналистлари гуруҳи таркибиде Президент-ношир Ли Кёнг Сик ҳам анжуманда иштирок этиб, ўзининг мазмунга бой маърузаси билан чиқиш қилди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида у куйидаги фикрларни билдирди: «Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ОАВ ва журналистиканинг мустиқиллигини таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилган.

Ўзбекистонга бағишланган мақолалардан бирида Ли Кёнг Сик ислохотларни амалга ошириш борасида Президент Ислам Каримовнинг сая-ҳаракатларини бугунги кунда ижтимоий суровларда «Мамлакатнинг энг яхши Президенти» деб эътироф этилаётган Корея Республикаси собиқ Президенти Пак Чжон Хин фаолияти билан тенглаштиради.

Нашр Юртбошимизни истеъдодли раҳбар, буюк сиёсий стратег ва тактик, тажрибали ва моҳир иқтисодчи сифатида баҳолайди.

— Президент Ислам Каримов ўзининг иродали инсон учун хос хусусиятлари ва аниқ мақсад йўлидаги собитқадамлиги билан танилган, — деб ёздади «The Korea Post».

— У мамлакатда демократик ислохотлар ва иқтисодий янгиланишларни муваффақиятли амалга ошириб ўзининг раҳбарлик борасидаги қўбалиқларини намоён этди. «The Korea Post»нинг ҳар йилги илқ сони Ўзбекистон Республикасига бағишланган аjoyиб бир аънава шаклига кирган. Жорий 2009 йил январда журналда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон ўз ислохот ва модернизация моделини ривожлантирмоқда» сарлавҳаси остида мамлакат Конституцияси 16 йиллигига бағишланган маърузаси эълон қилинди.

Ли Кёнг Сик етуқлик ёшида бўлганига қарамай ҳамон сергайрат ва янги ижодий режаларини кўзда тутмоқда. Уларнинг ҳаётга таътибқ этилиши эса Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада мустиқлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

ИМПОРТ ҲАМ БОСАДИ

ИЧКИ БОЗОРНИНГ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛИК ТАЪМИНЛАШДА, ЭКСПОРТ ҲАМ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ ЯХШИ САМАРА БЕРМОҚДА, ШУНИНГДЕК ЧЕТ ЭЛЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ҚЎШМА ҚОРХОНЛАР САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Шундай қорхоналардан бири «UZ-VBM» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма қорхонаси ҳамкорлар томонидан қўзда тутилган инвестицияни киритиш тўғрисида 2004 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Уни ташкил этишда «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ташаббуси ҳамда Россия давлати (Самара шаҳридаги «Волгабурмаш» очик акциядорлик жамияти ҳамкорлиги («Ўзбекистонга завод» базисидеги фаолият юроти) асосий омили ҳисобланади.

Мазкур қорхонанинг ишчи-хизматчилари: муҳандис-техник, тажриба-синов хизматининг етакчи мутахассисларининг барчаси Россия ва Украина давлатларидаги соҳа заводларида керакли тайёргарликдан ўттирган. Шунингдек, республикамизнинг етакчи ўқув юртлири, илмий-техшириш институтлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган.

Хозирда қорхона аҳли юртимиздаги нефть, газ, тоғкон сановатда қўлланганидан сифатли ва рақобатбардош бурғулаш асбобларини ишлаб чиқармоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур қорхонанинг барча (турдаги) маҳсулотлари сертификатланган бўлиб, улар Ўзбекистон ва Россия давлатларининг етакчи синов марказларида синовдан ўтганлиги билан ажралиб туради. Масалан, жамонинг «МС-ГН R 64; С-ГН R 55; С-ЦГН R03-2; МЭ-ГАУ R 415; ОК-ПВ R 527; ТК3-ПВ-0027» каби турли русумли маҳсулотлар бемалол импорт ўрнини боса олади.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ ИҚТИСОДИЙНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲАМКОРЛИГИ ҲАМДА ШУ БОИС ЮРТИМИЗДА БУ СОҲАГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА.

Йилдан йилга сафлари кенгайиб бораётган ёш тадбиркорлар орасида Мирзо Улугбек туманида ўтган йили фаолият бошлаган изланувчан, янгилликка ўч бўлган Нафиса Шодномалиева ҳам ўз ўрнига эга. У бош бўлган кичик чехда хозирда 4 нафар маҳалла ёшлари иш ўрнига эга бўлди.

Бу ерда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг самарали дастгоҳ ва ускуналари маддадида маҳаллий хом ашёдан 5 хилдаги сифатли печене ҳамда пряниклар ишлаб чиқарилмоқда. Доимий изланишда бўлган тадбиркор ички бозорни ўрганиш асосида жорий йилда яна икки турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

Шаҳбоз ИZZАТУЛЛАЕВ

Анжуманлар

МАЛАКА ОШИРИШГА БАФИШЛАНДИ

МИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ИНСОНИЯТНИНГ БУЮК ДАҲОЛАРИ ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН, ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИГА ВА ЖАМОА ФИКРИГА АССЛАНГАН, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ АНЪАНАВИЙ УРФ-ОДАТЛАРИНИ, ТАРИХИЙ МИЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МАДАНИЯТИНИ, ХАЛҚ, ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ АҲОЛИГА СИНГДИРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ ТУЗИЛМА МАҲАЛЛА ДЕБ АТАБ КЕЛИНГАН.

Айнан маҳаллаларда шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удуи ва аъналарини оммалаштириш, туман маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш мақсадида «Маҳалла» жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан икки кун мобайнида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Маълумки, 2008 йил ноябрь ва декабрь ойларида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларининг сайловлари ўтказилди. Тумандаги 52 та маҳалланинг 36 фоизидега оқсоқоликка янги номзодлар сайланди. Шу муносабат билан маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг иш унумдорлигини ошириш ва зарур ҳолларда давлат идоралари билан иш олиб бориши тўғрисида ўқув семинарида фикрлашиб олинди.

Тадбирда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Ахборот таҳлил маркази катта илмий ходими Б.Юнусов, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлигининг ўрин-

босари Г.Иномжонов, туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари Х.Жуманиёзова, туман бандликка кўмаклашувчи марказ ходими, туман бош меъмор О.Якубжанов ва бошқалар сўзга чиқиб мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Яъни, маърузачилар бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш тизимига давлатимиз томонидан берилётган эътибор тўғрисида унинг нуфузи ва мавқеи ортиб бораётгани, маҳалла оқсоқолининг катта хонадонга бош эканлиги, демек хонадондаги саранжом-саришталик, тинчлик-тотувликка, оила аъзоларининг ҳуқуқий ва табибий саводхон, ўзаро яқин ҳамкор, дўсту биродар бўлиб яшашларига масъул эканликларини таъкидлаб ўтидилар.

«Маҳалла — ота-онанг» нақлининг амалдаги ифодаси бугун буй кўрсатиши керак. Бунинг учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмоғимиз, элимиз ободлиги, юрт тарққиётига муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Шундагина маҳаллаларимиз обод, юртимиз фарвон, ёшларимиз баркамол бўлиб вояга етади.

Нуриддин УМАРОВ, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Мирзо Улуғбек туман бўлими раиси

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҲАМ ОШИРИШ ТИЗИМИ БЎЛГАН МАҲАЛЛАЛАРГА БЎЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ У ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАБ, ЭНГ ОБОД МАСКАНЛАР ҚАТОРИДАН ҲАМ ОЛМОҚДА.



Файзли гўшалар

ОБОДЛИКДАН ДИД ЯЙРАЙДИ

Мустиқиллик шарофати билан қайта чирой очган файзли гўшалар қаторида Собир Раҳимов туманидаги генерал Комилжон Фафуров маҳалласига кириб келганимизда ушбу худуднинг озода, саранжом-саришта кўча ва хонадонларига ҳавас қилдик.



Маҳалланинг кўркам ва замонавий тарзда қад кўтарган гузарининг ўзи кишида фахр туйғусини уйғотади. — Маҳалламизнинг шахримиздаги энг обод ва сўлим гўшалари қаторидан ўрин олишида ҳар бир оила, маҳалладошимизнинг катта ҳиссаси бор. — дейди маҳалла фуқаролар

йиғини раиси Максудхўжа Азимхўжаев. — Ўтган йили хомийларимиз ва тадбиркорларимиз ҳиммати ва аҳолининг жонбозлиги билан қайта қурилиб замонавий тарзда қад ростлаган маҳалла гузаримизда ҳамма зарур шарт-шароитлар яратилган. Алоҳида шинама хоналар, тадбирлар ўтказишга мўлжалланган катта зал

ҳолда кутиб олишга катта тайёргарлик кўрмоқда. Насиб этса барча мўлжаллаган ишларимизни бир неча ой давомида амалга ошириб Тошкентимизнинг 2200 йиллигини ёруғ юз билан кутиб оламиз. Азиза ИЛҲОМОВА СУРАТЛАРДА: Комилжон Фафуров маҳалласи ҳаётидан лавҳалар

БУЮК ШОИР, УЛУҒ АЛЛОМА АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУНГА 568 ЙИЛ ТЎЛИШИ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА КАТТА БАЙРАМ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ.

Хайрли ташаббус

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИГА МАРҲАМАТ

Хусусан, ҳар йили Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқаруви томонидан ҳам ушбу кутлуг сана муносабати билан катта маънавий-маърифий тадбир ташкил этилади. Олим, шоир, тарихчи ва санъаткорлар ижросидаги бадиалар, куй-кўшиқдан барча бахраманд бўлади.

Ушбу аънава жорий йилда ҳам давом этиб, 9 февраль кун «Истиклол» саройида «Шеърят мулкунинг султони» деб номланган шеърят кечаси бўлиб ўтди. Унда шахримиздаги 474 та маҳаллалар фаоллари, меҳнат фахрийлари, табаррук кексалар, ёшлар, қорхона, ташкилотлар, жамғармалар вакиллари иштирок этидилар.

— Маънавий-маърифий шеърят кечасида иштирок этган меҳмонларнинг кўнгиллари олам-олам қувонч ва шодликдан яйлар, мазза қилиб дам оладилар, — дейди тадбир ҳақида Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви раиси Жамолдин Шохимов. — Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу тадбирда олимлар, тарихчи, шоир ва

бастакорлардан ташқари элимиз ардоғидаги Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов, Абдухўжа Исмоилов раҳбарлигидаги Ю.Ражабий номдаги Маком ансамбли, Ўзбекистон халқ артистлари Замира Суянова, Зулайхо Бойхорова, Ўзбекистон халқ хофизлари Иброҳимов ва Исроиловлар Ваҳобовлар каби кўплаб санъаткорлар ўзларининг дилрабо куйи ва кўшиқлари билан тадбирнинг серваз ва мароқли ўтишига хисса қўшадилар. Ушбу кечанинг иштирокчиси бўлишни хоҳлаган маҳаллалар фуқаролари шахримиздаги 11 та туманда фаолият юритиб келаётган «Маҳалла» жамғармалари вакилларига мурожаат қилишлари мумкин.

(Ўз муҳбиримиз)

Орамиздаги одамлар

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Дунёда шундай инсонлар борки, улар юрт ривожини, эл фарвонлигини, маҳалла-қўй ва оилалари ободлигини, тинчлигини — тотувлигини йўлида қамиша хизматта шай турадилар. Бу кўнча дунёда ўзларидан яхши ном қолдиришга, солиҳ ва солиҳа фарзандларни тарбиялашга интиладилар. Уларга ҳар қанча ҳавас қилсак, барчага ибрат қилиб кўрсатсак ярашади. Ахир биз хоҳлаймизки йўқми вақти келиб босиб ўтган ҳаёт йўлимизга бир қур назар ташлашга тўри келади. Ана шундай пайтларда қай биримизнинг қилган хайрли ишларимиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилса, яна қай биримиз йўл қўйган хатоларимиздан азият чекамиз.

Бугун биз қаламга олмақчи бўлган инсон ҳам камтарлиги, меҳнатсеварлиги, эл ишига камарбасталиги, оилапарварлиги ва яқин-дўст, биродарларига меҳрибонлиги билан бошқалардан ажралиб турадиган ҳамшаҳарларимиздан бири. Шаҳримиздаги «Пахтакор» маҳалласида истиқомат қилувчи Асатилла Каримов ҳақида маҳалладошлари, касбдошлари, қариндош-уруғлари, жигарлари ва яқин дўстлари фақат илқ фикрларни билдирадилар.

— Маҳалламиздаги Тошкент ота (охиратлари обод бўлсин) хонадон азалдан ҳурмат-эътиромга сазовор бўлиб келаётган оилалардан бири. Бугун ушбу хонадон чирогини ёқиб ўтирган ўғил — Асатилла ҳам ладари буюрқовори изидан бориб оилда меҳрибон ота, турмуш ўртоғи Умидхон билан тўрт қиз ва бир ўғилни қамраб олади. Шундай экан, келиннинг инсонлар қилиб вояга етказмоқдалар, — дейди қаҳрамонимиз ҳақида «Пахтакор» маҳалласи оқсоқоли Раҳман Отаматов. — Ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасидаги меҳрибонлик эса ҳавас қилса арзийди. Қани энди бир ота-

онанинг фарзандлари, бир қозондан ош-овқат еб катта бўлаётган жигарлар мана шундай бир-бирларига меҳрибон ва гамхўр бўлсалар деб ўйлаб қолсан. Албатта фарзандларимиз ўртасидаги бундай яқинликка ёшида берилган тарбия сабаб деб ўйлайман.

Асатилла Каримов 1958 йилда хизматчи оиласида туғилди. Шофаъий даҳасидаги 136-мактабда намунали ҳулқ ва фақат аъло баҳоларга ўқиди. Болалигидан илмга чанқок, иқтидорли Асатилла мактабни тутатган йилнинг ўзида Тошкент халқ ҳўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодий университети)га ўқишга кириб, 1981 йилда иқтисодчи мутахассислиги бўйича муваффақиятли таъмолади. Ва шу йилдан бошланган меҳнат фаолияти бугунги кунда ҳам гайрат, интилиш ва янгилликларни ҳаётга таътибқ этиш билан давом этиб келмоқда. Ёш, изланувчан ва ташаббускор йигит иқтисодчи вазифасидан бошлаб турли масъулиятли вазибаларда ишлаб келар экан ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, касбдошлари ва жа-

моага бўлган ҳурмати туйғулари ҳамма исзат-эътиборда бўлиб келмоқда. Ўз касбига бўлган меҳри, изланиши, пишқ-пухта билимини янада оширишга бўлган иштиёқи тўғрисида у Республика Молия-банк академиясида тахсил олди ва Япония пойтахти Токио шаҳрида малака ошириб қайтди.

Умр оқар сувдек гизиллаб ўтиб кетаверар экан. Вақт олий ҳажам. Йиллар давомида она юртининг янада гуллаб-яшнашига хисса қўшиш иштиёқидеги меҳнат қилиб келаётган, остози Абдувоҳид ота Шукрўрнинг (охиратлари обод бўлсин) панд-насихатларини дилига жўйлаган Асатилланинг ўзи ҳам бугун жуда кўплаб инсонларга устоз. Билганларини, билим ва тажрибасини шоғирдларига сабр-матонат, талабчанлик билан ўргатади.

— Асатилланинг маҳалладошлар, касбдошлар ва қариндош-уруғлар ичидеги шундай обрў-эътиборга сазовор бўлишининг бир сирини бор, — дейди меҳнат фахрийси, олий тоифали шифокор Йўлдош ота. — Чунки у ака-укалари каби яхши орзу-ниятлар билан

фарзанд ўстирган ота-онанинг «тупроқ олсанг олтин бўлсин, болам» деган дуоларини олишга эришган фарзанд. Кекса, бетоб отанинг, онанинг бошида парвона бўлган, таъблари кўтарган нарсани оғизларига тутган, ишга боргандан кейин ҳам «онажон, тузук-мисиз, отажон бошингиз огригани босилиб қолди-ми,» дея ҳол сўрашга вақт топа олган фарзанд. Бугун ушбу дуолар унинг умрига умр қўшиб, хонадонига файзу барака олиб кирмоқда.

Ҳа, ҳавас қилса, бахту иқболли, ҳаёт тарзидан ўрнак олса арзийдиган инсонлар кўп бу дунёда. Биз Асатилла Каримовнинг ибратли умр йўлига назар ташлар эканмиз икки дунё саодатида эришишни ният қилган барча инсонларга ота-она дуосини олиш, элу юрт ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлиб юриш насиб этишини тайлашим. Зеро, қилган эзгу амалларимиз, хайрли ишларимиз, солиҳ ва солиҳа фарзандларимиз умримиз мазмунини безаса бундан ортиқ бахт борми дунёда.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Буёқ шоир ва мутафаккир, ўзбек адабий тилининг асосчиси, олим ҳамда давлат арбоби, жаҳон адабиётининг забардаст сиймоларидан бири Алишер Навоий яшаб икки қилган давр Марказий Осиё халқлари маданиятининг барча жаҳонларида ажойиб тарихий ёдгорликлар қолдирган.

Шарқ ренессанси деб аталмиш бу даврда фан, адабиёт, санъат, шулар қатори чолғу мусиқа ва кўшиқчилик санъати гуллаб-яшнади. Яхши билган газал каби ҳар бир янги кўшиқ, турли мусиқа асарлари ҳам жуда тезлик билан омма ўртасида тарқалди.

Алишер Навоийнинг деярли барча лирик газаллари кўшиққа айланган халқнинг тили ва дилига тушган. Шоир: «Умидим улдури ва ҳаблимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан кўйи эммагай ва ёган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ёрни ёқтирмагай», деб ёган эди. Ҳақиқатан ҳам аллома қолдирган бой ижодий мерос, дунё маданиятининг ноёб обидалари қаторида яшаб келмоқда.

Тарихий манбаларда бу давр ҳақида қimmatли маълумотлар сақланган бўлиб, улар ёрдамида мусиқа тараққиёти, соҳада-хонанда, бастакорлар ва мусиқа чолғу асбоблари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, Алишер Навоий ўз замонасидаги энг кўп тарқалган чолғу асбоблар ҳамда мусиқа назарияси билан қизиққан. У бастакор Ҳўжа Юсуф Бурҳондан мусиқа назарияси сабоқларини ўрганган. Замондошларидан етук бастакорлар Ҳофиз Шарбатий, Абдулла Марварид, хонанда ва созандалар Устод Қулмуҳаммад, Камолиддин Хусайний ва бошқа санъаткорлар билан жуда яхши муносабатда бўлган. Аллома тахаллуслига «Наво-атамасини асос қилиб олганлиги ҳам бежиз эмас. Унинг шеъринидаги илоҳий наволар бугун ҳам ажралиб туради. Навоий чолғу асбоблари орқали жаҳондаги ёқимли мусиқий наволарни жуда севган, ўзининг достонларида ҳам мадҳ этган.

Ҳамсанинг тўрттинчи достони «Сабаъи сайёҳ» ишқий сарғузашт достондир. Ундаги Баҳром ва Дилором ҳўжоларида ошик-маъшукнинг севиги сарғузашти баён қилинади. Баҳром — подшоҳ, Дилором — санъаткор, гўзал, қалби соф қиз, бирок ҳўхўксиз. У ўз кечинмаларини сеvimли чолғуси чанг орқали тараннум этади. Алишер Навоий халқ орасида кенг тарқалган сеvimли чолғунинг Дилором, нақддар яхши чалишини шундай тасвирлайди:

Чанг олиб торини тузар эрди.
Лек жон риштасин узор эрди.

**Чанг ториға чин фиғон берди,
Кимки ўлтирмиш ерда жон берди.**
Достон халқ бадий ижодининг самарали тасвирида яратилган. Халқ чолғуларида Навоий қаҳрамонларининг ички дунёсини очишда ҳам ўринли фойдаланган.

**Ҳар замон кўнгли бир ҳаво қилибон,
Чангдек ўзга бир наво қилибон.**
Эки
Чангни кўлга олиб айлади соз,
Чанг ила нағма айлади овоз.

Дилоромнинг элга танилиши ҳам моҳир

бири грузин халқ чолғу асбоби («чанги») бўлиб, ҳозирда ҳам мусиқа майдонидан кенг ишлатилмоқда.

Алишер Навоий газалларига куй басталаш борасида «Қасидаи Ҳилолия»да шундай тариф берибди:

**Соз этиб, чангу тузуб,
ул унга руҳ афзо суруд.**
Чолибон нақшу амал боғлаб
Навоий шеърига...

Шоир ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» достонидан мусиқий чолғуларнинг ҳар бирига ало-

Алишер Навоий асарларидаги таърифдан ўша даврда кенг тарқалган мусиқа чолғу асбоблари номларини ақол билиб олиш мумкин. Булардан айримлари: най, кўнай, чанг, конун, арганун, мизмор, уд, танбур, рубоб, дутор, гижжак, қубуз, шунингдек тўй ва оммавий тадбирларда ишлатиладиган карнай, сурнай, ногора, чилдирмадир.

Афсуски, мускор, арганди, мизмор, валамиз, қўшавлос, зангура, саптур каби мусиқа чолғу асбоблари ҳозирги кунгача этиб келмаган.

Навоий санъаткор, жумладан, ижрочилик санъати маҳоратини оширишда кўнг ва иштиёқ билан мусиқа қилишни, устозлар асарларини ўқиб ўрганиши, уларнинг ижодий таърибасидан ибрат олишни, халқ ижодиётига катта эътибор беришни, тил бойликларини пухта эгаллашни маслаҳат берган.

Алишер Навоий ижоди тўғрисида биз ўша даврдаги айрим чолғу асбоблари, кўшиқчилик тааллуқли фикрлар, шунингдек халқ чолғу асбобларининг турлари, улар яратган садоларнинг ёқимлилиги, халқ орасида қайси тур чолғулар кўп тарқалганлиги уларнинг ижро услублари ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Навоий ижоди марказида эзгулик, соф муҳаббат, поклик, инсон фазилатларини улуғлаш, авлоддан авлодга ўтиб келаётган маданий меросни кунг билан ўрганишга давват, виждон эркилиги, тинчлик сингари ғоялар туради.

Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобларида баён қилганларидек, «Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксатиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз».

Халқ мусиқа ижрочилиги, кўшиқчилик тарихини ўрганиш соҳасида бугунги кунда катта ишлар амалга оширилмоқда. Мусиқа чолғучилик тарихини ўрганишда жиддий илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган, шу кунларда ҳам янгидан-янги илмий мақолаларни, китобу рисоаларини эълон қилаётган катор мусиқашунос олимлардан: санъатшунослик докторлари, профессорлар Ф.Караматов, Т.Фахруллоев, Р.Юнусов, Р.Абдуллаев, О.Иброҳимов, санъатшунослик номзодлари, доцентлар З.Каримова, Д.Рашидова ва бошқарлар бу соҳага улкан ҳисса қўшиб, илмий меросимизни ёшларга етказишда фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар.

Рустам ҲўЖАЕВ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори

Алишер Навоий таваллуди олдида



УЛУҒ МУТАФАККИР МУСИҚА ЧОЛГУЛАРИ ХУСУСИДА

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН СЎНГ ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАҲОНШУМУЛ АҲАМИЯТГА ЭГА УЛУҒВОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ТУФАЙЛИ АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСИДАН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖАМИКИ ҚАДРИЯТЛАРИДАН ИЖОДИЙ ФОЙДАЛАНИШ, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ ПАЙДО БЎЛДИ.

созандалиги туфайли рўёбга чиқади.
**Унум овозаси жаҳон тутти,
Чангин овози осмон тутти.**
Шоҳона базмларда энг моҳир созандалар, хонандаларнинг иштирок этишлари чолғуларнинг баланг пардалари баралла янграши ижодкор томонидан моҳирона тасвирланган.
**Кўрган ўлмакка қилмас оҳанг
Вой ул дамки олса илгига чанг
Чанг чун жонфоз садо чекса
Ўзи ул савт ила наво чекса.**
**Тор ила нағма беадад бўлибон
Тор йўқ нағмалар мад бўлибон.**
Достонда шунингдек, бошқа чолғу асбоблари ҳақида ҳам байтлар бор.
Навоий асарларида баён этилган чанг чолғуси «арфа» туридаги торли тирнама халқ чолғу асбобларидир. Унинг илпадан қилинган торлари бўлиб, ёқимли жаранглаган. Ундан асосан ашулага жүр бўлишда фойдаланилган.
**Демагил чанг, солики ҳамқад,
Чанг қадлар била бўлуб ҳамқад.**
Бу байтда мусиқа чолғуси чанги эгик бўлгани учун қадди буюк сўфиларга ўхшатирилган... Бу эса чанг чолғусининг арфасимон чолғу эканлигидан далолатдир.
Навоий тариф этган чолғу «чанг»лардан

ҳида таъриф берган образлари бадийлиги билан ажралиб туради:
**Майхонада ким майдин ибод қилгай,
Най бир дилкаш наво била
ани расво қилгай.**
**Агар киши май ҳавосини
бошдин чиқарур,
Гижжак носиси билан анга ёлворур.
Ва танбур пардадаги фитнадин
халок этар,
Ва офият пардасин чок этар,
Ва чанг зорлиғ билан бўғизин тортар,
Ва уд лиссонни нағмаси тариғи
чандон ҳам ортар,
Андаким рубоб бошин
ерга қўюб кўргузгай,
Ва Кўбуз қулок тутуб ойга тариғи
оҳангин тузгай.**
**Чун конун ва чағона носиси
қулоққа тушгай,
Ва махваш соқи юкнини май
оёққа тушгай.**
**Ул вақт зухду тақвога не эътибор,
Ва хушу хирадга не эътиёр.**
Ҳаммага маълумки, инсон онги камол топа боргани сари, чолғу асбоблари ҳам тақомиллашиб, ранг-баранг шакл-қўриниш касб этиб келмоқда.

росни кунг билан ўрганишга давват, виждон эркилиги, тинчлик сингари ғоялар туради.
Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобларида баён қилганларидек, «Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксатиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз».

«ЁШЛИК» ШАҲАРЧАСИДА МАЪРИФИЙ АНЖУМАН

АЙТИШ ЖОИЗКИ, АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ БОЙ ВА БЕБАҲО МЕРОСИ АСРЛАР МОБАЙНИДА АЖДОДЛАРИМИЗНИ ЭЗГУЛИККА, МЕҲР-МУРУВВАТГА, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИККА ДАВВАТ ЭТИБ КЕЛМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН, УЛУҒ БОБОКАЛОНИМИЗ ШАХСИЯТИ ВА ИЖОДИГА МУНОСАБАТ ТУБДАН ЎЗГАРДИ.

Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюқ шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоянчаси, миллатимизнинг гурури, шаъни-шарофини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи ҳеч бир инсон йўқки, у Навоийни билмас, унга садокат ва эътиқод билан қарамаса. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Агар у улғу элнинг авлиёси, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони».

Дарҳақиқат, бу сўзлар кишилар қалбидан ўзгача бир ифтихор, фахр тўғрисидаги ўйотини шубҳасиз. Кейинги вақтларда буюқ сиймоларимизни ўрганиш ва уларни фахр билан ёдга олиш, уларнинг ёган асарларининг мазмун-моҳиятини тўғри аниглаб етиш ва келажак авлод онгига чуқур сингдириш мақсадида «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳудудидаги барча олий ва ўрта таълим таълим муассасаларида, маҳаллаларда турли адабий кечалар, тадбирлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири кунги кеча «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан шахарчадаги Маънавият ва маърифат марказида улғу мутафаккир Алишер Навоийнинг таваллуд кунини олдида ташкил этилди. «Алишер Навоийнинг миллий маънавиятимизда тутган ўрни»

маъзусига бағишланган семинарда Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари, барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректорлари, директор ўринбосарлари ҳамда ҳудуддаги 9 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этдилар.
Тадбирни «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокими Р.Чориев кириш сўзи билан очиб, буюқ сиймоларимизнинг миллий маънавиятимизда тутган ўрни ҳақида гапирди. Шундан сўнг Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари С.Олим сўзга чиқиб, «Навоийни ёшларга қандай етказиш керак?» Умуман, Навоийни қандай ўрганишимиз лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари И.Абдуғаниев ҳам ўз сўзида маънавиятни шакллантириш бу аввало бизнинг улғу сиймоларимизни ўрганишдан бошланади, деган фикрларини билдирди. Тадбирда йиғилганларга Султонумурод Олимовнинг «Навоий ёшларга» номли китоби тарқатилди. Бундан мақсад, Навоий ва Бобур каби ҳамиша барҳаёт сиймоларимизни ёш авлодга етказиш, уларнинг онгини миллий гуруру, ифтихор тўғрисида билан тўлдирган ҳолда маънавиятини юксалтиришдан иборатдир.
Дилором ИКРОМОВА

АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, МАКТАБ ВА МАҲАЛЛАЛАРДА БУЮҚ МУТАФАККИР, ҲАМДА МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 568 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТЛАРИ, АНЖУМАН ВА ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Тадбирлар

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ АДАБИЙ КЕЧА

Хусусан, кунги кеча Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Бўстон» маҳалласида ўтказилган «Навоий — сўз мулкининг султони» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам буюқ алломанинг хаёти ва ижодий фаолиятига бағишланди.
Тадбирда тумандаги маҳаллалар фаоллари, фуқаролар йиғинлари раислари, посбон, сардорлар, туман ҳокимлиги вакиллари ва ҳудуддаги 169-мактаб ўқитувчи ва ўқувчи ёшлари иштирок этишди.
Учрашувда сўз олган навоийшунос оlima Суйима Ғаниева, шарқшунос оlima Муҳлис Бобохонова, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пулатовалар ҳазрат Алишер Навоийнинг бой маданий мероси, ғазал ва рубоий-

лари ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумот бердилар. Шоирнинг асарлар оша ўз мазмун-моҳиятини йўқотмаган, ёшларга таълим-тарбия беришга, ибрат олишга лойиқ асарлари ҳақида мароқ билан мисоллар орқали ўзлаб, тадбирнинг ниҳоятда жонли, таассуротларга бой тарзда ўтишига катта ҳисса қўшилди.
— Буюқ бобомизнинг таваллуд айёмларига бағишлаб ҳар йили маҳалладошлар билан чиройли байрам тадбирини ўтказамиз, — дейди «Бўстон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фаридат Атамова. — Зеро, ёшларимиз ўзларига ҳар томонлама ибрат бўлишга лойиқ ота-боболаримиз, уларнинг бой маданий мерос-

Музейларда
ҚУТЛУҒ ТЎЙГА МУНОСИБ ТАЙЁРГАРЛИК
ЮРТИМИЗДА ЯНА БИР ҚУТЛУҒ САНАНИ НИШОНЛАШ АРАФАСИДА ТУРИБМИЗ.
ЯЪНИ, ЖОРИЙ ЙИЛДА ГЎЗАЛ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА КАТТА ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛанади.
КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, МАҲАЛЛАЛАРДА УШБУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН КАТТА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Хусусан, аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон тарихи Давлат музейида олти кун мобайнида Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорликда «Ҳамиша навқирон Тошкент» деб номланган катта маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Шаҳримиздаги корхона, ташкилотлар вакиллари, «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар ва туман бўлими раҳбарлари, фаоллар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари, МК «Ватанпарвар» ташкилотининг шаҳар ва туман бўлими раҳбар ва ходимлари, Тошкент шаҳар ИИББ, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси вакиллари иштирок этган ушбу тадбирларда гўзал ва ҳамиша навқирон пойтахтимизнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида тарихчи олимлар, шоир ва ёзувчилар аниқ мисоллар орқали маъруза қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

— Шаҳримиздаги ўн битта туманда жойлашган 474 та маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, посбонлар сардорлари, бир гуруҳ фаоллар бугунги тадбирда иштирок этдилар, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бошқарувининг етакчи мутахассиси Хайдарали Қорабалаев. — Мақсади-миз яқин вақт ичида нишонланадиган қутлуғ тўйга муносиб тайёргарлик қириш, ҳар бир маҳаллада мана шундай маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишдир.
Турли соҳа ходимлари қамраб олинган ушбу тадбирлардан иштирокчилар бир олам маълумотлар олдилар, пойтахтимиз тарихига оид манбалардан тўлиқ баҳраманд бўлдилар. Ўйлаймизки, бундай тадбирлар қутлуғ тўй нишонланшига қадар ўтказилиб, обод ва орас-та маҳаллалар, ўқув юртлари, корхона-ташкilotларда шаҳримиз юбилейи муносиб кутиб олинади.

(Ўз муҳбиримиз)

Тиббиёт

СПОРТДА ҲАМ МОҲИР

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИДА ПОЙТАХТИМИЗ ШИФОКОР, ҲАМШИРА ВА КИЧИК ТИББИЁТ ҲОДИМЛАРИ ҲАМ СПОРТДА ЭРИШАЁТГАН МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИЛАР.
Мирзо Улуғбек туманидаги 36-поликлиникада ҳамшираси Ольга Ҳамроева ҳам спартакиада голиблари қаторидан ўрин олди. 400 метрга югуришда у бой таърибасини ишга солиди.
Поликлиниканинг физиотерапия бўлимида меҳнат қилаётган бу моҳир ҳамшира енгил атлетика бўйича «Энг фаол» номинацияси соҳибаси ҳисобланади.

ҚЎШИМЧА ЖИҲОЗЛАР ОЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ШИФОХОНАЛАРИДА ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАН КЕЛГАН БЕСОМОРЛАРГА ҲАМ МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА.
Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, бу каби муолажаларни олиб бориш учун «Экосан» халқаро хайрия ташкилоти ўн миллион сўм пул ажратди. Ана шу маблағ ҳисобидан дори-дармонлар ҳам харид қилинади. Шунингдек, қўшимча жихозлар олинади.

ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

ҲОЗИР РЕСПУБЛИКАМИЗДА «БОЛАГА МЕҲР-МУРУВВАТДА БЎЛАЙЛИК» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ШИФОХОНАЛАРДАН БИР НЕЧТАСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.
Уларда гўдақларни она сути билан боқилишнинг тиббий аҳамиятига доир тажрибаларни оммалаштириш тадбирлари қўрилмоқда.
Оилавий таълим дастурини тарғиб қилиш мақсадида эса «Ҳаёт учун қафолат» деб номланган тўплам чоп этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан босмага тайёрланган ушбу нашр жойларга тарқатилди.
Ақбар АЛИЕВ

БОРТОЛАТО ТОШКЕНТ САҲНАСИДА

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА РИМЛИК ЖАҲОНГА МАШҲУР МУСИҚАЧИ ВА ДИРИЖЁР ЖАНФРАНКО БОРТОЛАТОНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ИЛК ГАСТРОЛ КОНЦЕРТИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ИТАЛИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДАГИ ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

лар давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри саҳнасида намойиш этиб келинмоқда.
Буни италиялик санъат устаси ҳам таъкидлади. У театрининг симфоник оркестри билан биргаликда пуфлаб чалинадиган соз — гобой учун яратилган ўзига хос дастурни томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Концерт дастуридан жой олган Альбини, Понкьелли, Верди, Моцарт каби буюқ композиторларнинг асарлари Тошкент саҳнасида янги-чак оҳангда янгради. Бортолато етук мусиқа устаси ва истеъдодли дирижёр ҳамдир. У ёш бўлишига қарамай, Сан-Ремо шаҳридаги симфоник ор-

кестр, Миландаги машҳур Ла Скала театри оркестри, Турин қиролик театри, Рим опера театри мусиқий жамоаларида фахрли биринчи гобой ўрнини эгаллади, Буэнос-Айрес, Версаль, Ҳьюстондаги халқаро фестивалларда қатнашди, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўз концерт дастурини намойиш этди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри тақлифига биноан юртимизга таъриф буюрган санъаткор театрнинг ижодий труппаси билан самарали ишлади. Унинг айтишича, мамлакатимиздаги опера санъатига бўлган катта қизиқиш ва эътибор уни хайратга солган. Бу эса Ўзбекистонда жаҳон мусиқа санъати-

нинг энг яхши анъаналари эъзозланишидан далолат беради.
— Ўзбек мусиқачилари ва артистларининг ўз театри, мумтоз санъати, томошабинларига бўлган самимий муносабати мени лол қолдирди. — деди Бортолато. — Буни саҳнада мусиқа материалига, муаллифлик ғоясига бўлган эҳтиёткорона муносабатда ҳис қиласан киши. Бугунги кунда бу каби фазилатлар, афсуски, ҳамма жойда ҳам учрайвермайди.
— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри Италия операсини намойиш этиш бўйича бой анъанга эга, — дейди театр бадий раҳбари, композитор

Анвар Эргашев. — Чунончи, бу ерда Пуччини, Верди, Доницетти асарларининг аксарияти италян тилида томошабинларга ҳавола этилади. Бу асарлар оркестр ва вокаль наволарини ўзидан мужассам этгани учун ҳам машҳурдир. Жаҳон классикаси ижрочиси Бортолато ижодида сабоқ олишга арзийдиган жиҳатлар кўп.

Таниқли мусиқачи асар тилини, унинг нозик жиҳатлари ва саҳнадаги жўшқинлигини яхши ҳис этади. Мисол учун, бу ерда унинг ижросида янграган, мумтоз мусиқа ихлосмандларининг меҳрини қозонган Вердининг «Травата» ва «Риголетто» операларидан ариялар фикримизни яқол тасдиқлайди. Италиялик ушбу бастакор мусиқани ажойиб тарзда ижро этиш орқали ўзининг бетакор хусусиятларини намойен этди. Томошабинлар ижодий ҳамкорлик маҳсули бўлган опера санъати дурдоналаридан савк олиб, ўз оқ-ишлари билан уларни муносиб баҳоладилар.
Лилия СТРУННИКОВА,
ЎЗА шарҳловчиси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Не эрса кўза ичра, ул куйилгай.
Киши кўркмас, агар осудади ул.
Ҳақиқат не? Тафаккурга тўлиш ул,
Кечиб ўздин, ўзинг бирлан бўлиш ул.

Солур бир зарра олтин неча савдо,
Биҳиштни зар бериб олмаслар аммо.

Борарсен йўл босиб то неча фарсанг,
На хушдир, заррача олтин тополсанг.

Келур юз битта рангдин заррадек нақд.

Агар бўлса бугун бир бурда нонинг,
Жаҳаннам ўтидин осуда жонинг.

Агар бир карра келтирсанг шаҳодат,
Ҳалолдингдир биҳишт, боғи саодат.

Ўзатсанг яхшилиқ сори илиқни,
Ўзингга айлағайсен яхшилиқни.

Бисотингда агарда қолса бир қил,
Оёғингга уни банду бўғов бил.

Магар бир зарра ҳам, тоғ ҳам ҳисобдир,
Ўшал бир зарра ҳам, тоғ ҳам ҳижобдир.

Мукотаб бўйида бир арпа қолгай,
Умрбод қарз ўшал нодонда қолгай.

Ўтирса икки ҳамдам бир ҳисобдир,
Арога тушса гар қил ҳам ҳижобдир.

Бу дарё ичра минглаб қатради жо,
Вале гавҳар макони — қаъри дарё.

Кишиким этти бадбўйликка одат,
Анга нохуш эрур атру тароват.

Кўнгил дарёсининг қаъридадир дур.

Кўйиб тубанни, кўкка бойла дилни,
Қараг бирлан чароғон айла дилни.

Ўшал дилнинг қулимен, ҳар нафас у
Кечиб шум сувратидин тушса айру.

Азизларким, жаҳонда бор эмишлар,
Улар ўз нафсидан безор эмишлар.

Чекиб афсус, этиб юз ҳийла, чора,
Жаҳонни ейдди бу нафси овора.

Қара, не афсун айлаб ҳар замони,
Олур шер оғзидан ул устухонни.

Бировни ўстириб тоғ бағрида, лек
Кейин юк ортдиллар устига тоғдек.

Шу янглиғ бир жаҳон юк елкасида,
Кечиб умри машаққат кўлкасида.

Қолиб тоғ остида ул ўйлақим мўр,
Жаҳон тўлмиш қуёшга, ул эса кўр.

У залвор юкни ағдарган замони
Кўрар бир лаҳзада буткул жаҳонни.

Ҳама яхши-ёмон қилмишларинг, ҳай,
Ўраб теграгни, чун, ёнингда бўлгай.

Ёмонлик этган эрсанг, мотамингдир,
Йўқ эрса, не азизлар ҳамдамингдир.

Ёмонлик, яхшилиқ ҳам ўз ишинг ул,
Сенга ойнана бўлгай қилмишинг ул.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгиликлари

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ҲАРБИЙЛАР ЎРТАСИДА ТОШ КЎТАРИШ БЎЙИЧА ТУРНИР УЎШТИРИЛДИ.

Республикамизнинг барча ҳарбий округлари жамоалари иштирокида ўтказилган ушбу турнир мurosасиз курашларга бой кечди.

Турнир якунида мусобақага бошқалардан кўра пухта тайёргарлик кўрган Чирчиқ танк кўшинлари кўмондонлик билим юрти жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, фахрли иккинчи ўрин Тошкент ҳарбий округи спортчиларига насиб этди.

ТўРТ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЯНВАРЬ ОЙИ УЧУН ДУНЁ КЛУБЛАРИНИНГ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Шуниси қувонарлики, ўтган йилги рейтинг жадвалида дунё клублари орасида 70-ўринда қайд этилган Ўзбекистон чемпиони Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби янги жадвалда 66-ўринга лойиқ кўрилди ва тўрт поғона юқорилади.

Пойтахтимизнинг яна бир жамоаси «Пахтакор»га эса бу сафарги рейтинг жадвалида аксинча пастроқ ўриндан жой берилди. Клублар орасида 156-ўринда бораётган Виктор Жалилов бош мураббийлигидаги «Пахтакор» жамоаси янги рўйхатда 159-ўриндан жой эгаллади.

Мамлакатимизда XVIII миллий чемпионати ўйинлари энди бошланишини инобатга олганда «Бунёдкор» ҳам, «Пахтакор» ҳам ажойиб ўйинлари билан мухлислар кўнглини шод этишда ва албатта Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси томонидан эълон қилинадиган кейинги рейтинг жадвалларида юқорирақ поғоналарни эгаллашди, деб умид қиламиз.

(Ўз мухбиримиз)

АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ МУТЛАҚ ЧЕМПИОН

ГРЕЦИЯНИНГ САЛОНИКИ ШАҲРИДА БЕШИНЧИ БОР ЎТКАЗИЛГАН АНЬАНАВИЙ «ИСЛОМ ҚАРИМОВ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ МУТЛАҚ ЧЕМПИОН БЎЛДИ.

Унда сайёранинг йигирмадан зиёд давлатидан келган юздан зиёд полвонлар

учта вазн тоифасида мurosасиз беллашди. Натижада 73 килограмм оғирликдаги полвонлар орасида грузиялик Чивица Сигнаур, 90 килограмм вазн тоифасида грециялик Майсис Иландиз олтин медални кўлга киритди.

Ҳамюртимиз дзюдо бўйича Пекин олимпиадасининг кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев эса рақиблирига ҳеч қандай имконият қолдирмай мутлақ вазн тоифасида бош совринни кўлга киритди.

— Мен биринчи марта бу мусобақада голибликни кўлга киритдим, — деди А. Тангриев. — Авваллари бу мусобақада асосан грециялик полвонлар голиб бўларди. Турнир жуда юқори даражада ташкил қилинди, жанглр ҳам оғир кечди. Айниқса грузиялик, грециялик курашчилар билан олишиш мен учун осон кечмади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу турнир Кураш Халқаро Ассоциациясининг йиллик тақвим режасидаги дастлабки йирик мусобақа ҳисобланади.

Кураш Халқаро Ассоциацияси учун 2008 йилда бўлгани каби 2009 йилги мусобақалар мавсуми ҳам кўплаб турнирларга бой бўлиши кутилмоқда. Йилни галаба билан бошлаган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ушбу муваффақиятли юришларини давом эттиришларига умид қиламиз.

ЎҚУВ ЙИГИНИ ЯҚУНЛАНДИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ МАВСУМДАГИ ДАСТАЛБКИ ЎҚУВ ЙИГИНИНИ ЯҚУНЛАДИ.

Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳридаги машғулотлар доирасида ўтказилган сўнги нозорат ўйинида футболчилар дуранг натижани қайд этди. Терма жамоа ўқув-йигини доирасида жами тўртта учрашув ўтказди. Шундан биттаси Бирлашган Араб Амирликлари вакилларига қарши Осиё кубоги саралаш босқичидаги расмий ўйин бўлса, қолган учтаси нозорат баҳслари эди. Озарбойжон термаси билан ўтган охириги ўртоқлик учрашувиди 1:1 ҳисобидаги дуранг қайд этилди.

70 - дақиқада рақиблир пенальтидан ҳисобни очган бўлса, ўн дақиқа ўтиб Илёс Курбонов ўртадаги мувозанатни тиклади. Жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов шогирдларининг ўйинларидан қониқганини айтиб, бу жаҳон чемпионати саралаш ўйини олдида тайёргарлик бўлганини таъкидлади.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 февраль куни «Пахтакор» марказий стадионида баҳраинлик футболчиларга қарши тўп суради.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»



Миллий-маданий марказларда

ШЎҲ ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ РУС МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗИДА «ОЛТИН СУВИ ЮРИТИЛГАН ЧАРХ» НОМЛИ БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур қадимий рус байрамнинг чиройли ва бетакрор ўтишига Ҳамза туманидаги 5-болалар тасвирий санъат студияси ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Улар турли уй-рўзгор буюмлари билан таъминлашди, студия аъзолари эса шўх рақсларга тушишди.

Тадбир сўнггида иштирокчи ва меҳмонлар рус миллий таомлари ва ширинликларидан баҳраманд бўлишди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: тадбир мана шундай қизиқарли ўтди. Алексей Попов олган сурат

«01»

ГАЗ ВА ЭЛЕКТР МОСЛАМАЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

ҚИШ ФАСЛИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК. ОДДИЙ ҚОЙДАГА РИОЯ ҚИЛМАСЛИК БУ УЙ-ЖОЙДАН, МОЛ-МУЛҚДАН, ЭНГ АСОСИЙ ЭСА ОИЛА, ШИРИН ФАРЗАНД ВА ЯҚИН ИНСОНЛАРДАН ЖУДО БЎЛИШ, БИР УМРГА НОГИРОН ОДАМГА АЙЛАНИШ ҚОЛИШИ ДЕГАНИ.

Сир эмас, кунлар совиши билан барчамиз хонадонларимизни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз. Лекин қай тарзда? Орамизда носоз ёки қўлбола электр ва газ молмаларини ишлатган ҳолда хонадонни қўлга олинтириб, ўзлари ҳам қурбон бўлиб кетган инсонлар бор. Газ ускуналарида нотўғри фойдаланиш, газ плиталари, духовкаларни ёқиб қўйиб, назоратсиз қолдириш, тутун йўллари носоғлиги, дудбўронларни тозаласмаслик оқибатида келиб чиқаётган ёнғинларнинг сони сезиларли даражада ортиб бормоқда. Энг ачинарли томони шундаки, ёнғинларнинг олдини олиш кўп нарсани талаб қилмайди. Фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қойдаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Бу эса ўзларининг моддий зарар қўришига ва жиддий тан жароҳати олишларига сабаб бўлмоқда. Бундай нохушлиқлар бўлмаслиги учун газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қойдаларига риоя қилишингизни сўраб эдик. Шу билан бирга Ҳамза тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими қўйидаги ёнғинга қарши чораларни қўришингизни эслатиб ўтади.

Иситиш печкаларидан сурункали ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровисиз қолдириб кетиш қатъиян ман этилади.

Ёқилган иситиш печкалари устида, теварак-атрофида ҳар хил ёнғичи кийимларни қўриштириш, ўчиб қолган оловни ўт олдиришда бензин, керосин, ацетон ва шунга ўхшаш ёнғичи ёнғичи суюқлик ишлатиш ҳамда ёниб турган иситиш печкаларини тузатиш таъқиқланади.

Ёш болаларнинг газ атрофида ўйнашларига йўл қўйманг ва уларни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг.

Хонадонларда қўлбола ясама электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар-жойларида содир бўлаётганлиги ёнғин хавфсизлиги хизмати билан бирга ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, фуқароларга ҳам масъулият юклайди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир ташкилот, муассаса, корхона мутасаддилари, барча фуқаролар бирдек масъулдир.

Абдурашид ТЎРАХОНОВ, Ҳамза тумани ЕХБ инспектори, катта лейтенант

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. 2009 йил 17 март куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент вилояти судининг 15.10.2007 йилдаги 2-152-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 3-маъза, МЧЖ «Шахтрасан Хизмат» 80-сонли автомашиналарини саклаш жойида сакланаётган, «Мерседес-Бенц Е-200» русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 49 680 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар ҳўжжали судининг 15.05.2008 йилдаги 10-0811/3554-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Тошкентлифт» трестига тегишли, Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 127-уйда сакланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари: — «ГАЗ-52» русумли, д/р 10АУ387 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 119 670 сўм. — «ГАЗ-52» русумли, д/р 10А5132 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 899 250 сўм. — «ГАЗ-5201» русумли, д/р 10АУ389 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 837 800 сўм. — «ГАЗ-52» русумли, д/р 10АУ392 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 283 380 сўм. — «ГАЗ-93Б» русумли, д/р 10АУ388 бўлган, 1970 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 548 980 сўм. — «ГАЗ-52» русумли, д/р 10А092 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 157 800 сўм. — «РАФ-2203» русумли, д/р 10АН680 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 207 000 сўм.

4. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан: 1. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 15.10.2007 йилдаги 2-152-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 3-маъза, МЧЖ «Шахтрасан Хизмат» 80-сонли автомашиналарини саклаш жойида сакланаётган, «Мерседес-Бенц Е-200» русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 49 680 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар ҳўжжали судининг 15.05.2008 йилдаги 10-0811/3554-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Тошкентлифт» трестига тегишли, Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 127-уйда сакланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари: — «ГАЗ-52» русумли, д/р 10АУ387 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 119 670 сўм. — «ГАЗ-52» русумли, д/р 10А5132 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 899 250 сўм. — «ГАЗ-5201» русумли, д/р 10АУ389 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 837 800 сўм. — «ГАЗ-52» русумли, д/р 10АУ392 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 283 380 сўм. — «ГАЗ-93Б» русумли, д/р 10АУ388 бўлган, 1970 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 548 980 сўм. — «ГАЗ-52» русумли, д/р 10А092 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 157 800 сўм. — «РАФ-2203» русумли, д/р 10АН680 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 207 000 сўм.

5. Шунингдек 2009 йил 10 март куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар С.Рахимов тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар С.Рахимов тумани судининг 03.03.2008 йилдаги 1-145/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, «Шайхонтоҳур-Инвест» жарима майдони (Ганга)да сакланаётган, «Мерседес-Бенц-180» русумли, д/р О3956Т бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 21 600 000 сўм. Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Рахимов ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МҒО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш. С.Рахимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ АК ФИЛИАЛИ «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» АБОНЕНТАРИ ВА ИНТЕРНЕТ ПРОВАЙДЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Чет эл Интернет провайдерларига қайд этилмаган автоулашни дастури кўп ҳолларда умраётганини сабабли, барча шаҳар телефон линиясига модем алоқаси орқали Интернет тармоғига уланган абонентлар диққатига!

Якка тартибда фойдаланиладиган телефон эгалари телефондан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун тўлиқ моддий жавобгарлиқни зиммаларига оладилар.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ИШ ЮРИТУВЧИ АБОНЕНТЛАР УЧУН ЭСЛАТМА!

Бепул интернет тармоғига кириш дея, ўзининг чиройли баннер ва рекламалари билан босқинчилик, терроризм ва беҳаёликни тарғиб этувчи сайтларга кириш тавсия этилмайди.

Бу сайтлар ўзининг ранг-баранг информациялари билан сизни қизиқтиргани ҳолда, компьютерингизга автоматик ҳолатда ҳар хил вирусларни киритади.

Шулардан «Автоулашни» ёпиқ турдаги дастури бўлиб, у чет эл Интернет провайдерларига автоулашни дастури билан халқаро ва шаҳарлараро алоқа кўнғироқларини амалга оширади, бунинг натижасида сизга халқаро сўзлашувлар хизмати учун тўлов қоғози келади.

Кўшимча хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни WWW.TSHTT.UZ сайтида, телефон боғламаларидан ва «TSHTT»нинг «Маркетинг ва Тарифлар» бўлимидан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: 255-77-17

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАРИ!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлиминларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эъловлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнглири қақди.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4512 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтачиси»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 6
Тошпирилган вақти: 12:50